

**Халқ таълими вазирининг  
2019 йил «7» декабрдаги  
393-сонли буйруғи  
иловасидан кўчирма**

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИ АСОСИЙ  
ЛАВОЗИМЛАРИНИНГ МАЛАКА ТАВСИФЛАРИ**

Мазкур малака тавсифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ–4306-сон, “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ–4467-сон, Вазирлар Маҳкамасининг “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон, “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда хуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги 472-сон, “Ўқувчиларни психологик-педагогик кўллаб-қувватлаш ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 12 июлдаги 577-сон, “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчалари педагогик ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 21 августдаги 702-сон қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Халқ таълими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифларини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу малака тавсифлари халқ таълими ходимлари лавозимлари ва ишчилар касблари номларидан фойдаланишда, меҳнат дафтарчаларига ёзувларни қайд этишда, лавозимларни ходимларнинг тоифаларига киритишда, шунингдек, ходимларни ишга қабул қилишда уларнинг маълумоти даражасига қўйиладиган энг кам талаблар юзасидан қўлланилиши мажбурийдир.

**2-боб. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат)  
ходимларининг малака тавсифлари**

**1-§. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат)  
директори лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	686 (688)
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1319
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

2. Лавозим вазифалари:

а) умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат)нинг (бундан буён матнда мактаб деб юритилади) умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

б) мактаб ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишни ривожлантириш, таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) мактабнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш ҳамда ўқитувчилар томонидан ўқув режасининг бажарилишини назорат қилиш;

г) ўқув жараёнига инновацион ва замонавий таълим технологияларини жорий этишга шароит яратиш, замонавий таълим усуллари ва ресурсларини қўллаш орқали ўқувчиларнинг билим самарадорлигини оширишга кўмаклашиш;

д) мактаб фаолиятининг молиявий-хўжалик масалаларини ҳал қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши, ундан самарали фойдаланишини амалга ошириш, мактабни ривожлантириш учун бюджетдан ташқари қўшимча маблағ топиш ва моддий ресурслар билан таъминлаш чораларини кўриш, мактабнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, шунингдек, таълимий мақсадларга эришиш учун молиявий, моддий ресурсларнинг самарали тақсимотини ва ходимларнинг сафарбарлигини таъминлаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари, молиявий-хўжалик натижаларига шахсан жавоб бериш;

е) корхона, муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалари тузишда мактаб номидан фаолият юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишончномалар бериш, турли йўналишлардаги давлат ва нодавлат жамғармалар билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш, Кузатув ва педагогик кенгаш ҳамда бошқа манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда мактабни ривожлантириш бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш, мактабнинг юксак вазифа ва мақсадларини шакллантириш ишларини ташкил этиш;

ж) стратегик режа асосида манфаатдор томонлар билан ҳамкорликда мактабни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, стратегик ривожланиш, ҳаракатлар режаси ижросини таъминлаш, мактаб фаолияти самарадорлигини ошириш учун баҳолаш ва мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

з) ўқув жиҳозлари, қурилмалари ва бошқа таълим воситаларининг сақланишини таъминлаш, мактабнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкил этиш, мол-мулкдан самарали фойдаланиш ва уларнинг сақланишига жавобгар бўлиш;

и) педагог ходимларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, эҳтиёжларни қоплаш чораларини ўқувчилар орасидан иқтидорлиларни танлаб педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларига йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш ва ижросини таъминлаш, тегишли малака ва компетенцияларга эга ходимларни танлаш ва жойлаштириш, уларнинг вазифа ва мажбуриятларини оқилона ва адолатли тақсимлаш, кадрлар захирасини шакллантириш, педагог ходимлар аттестациясини ташкил қилиш ҳамда ижро, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

к) ўқитувчилар малакасини ошириш ишларида ижобий, конструктив ва рағбатлантирувчи муҳит яратиш, уларнинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш, ўқитувчилар малакасини ошириш жадвали ва мактаб эҳтиёжларига мос равишда ўқитувчиларнинг касбий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ҳамда малака ошириш ишларини ташкиллаштириш, педагог ходимларни рағбатлантириш учун давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини холис баҳолашни ташкил қилиш;

л) жамоода соғлом маънавий-руҳий, хавфсиз ва рағбатлантирувчи муҳитни яратиш, мактаб қошидаги Махсус комиссия фаолиятида объективлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш учун шароит яратиш;

м) ўқувчиларнинг билимлари сифатини давлат таълим стандартларига мос келишини, тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминлаш ва назорат қилиш, ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришини яхшилаш ва уларга сифатли таълим бериш мақсадида мактабни узлуксиз ривожлантириш чораларини кўриш;

н) ўқувчиларни мактабга қабул қилиш ва синфдан синфга ўтказиш ва бир мактабдан бошқасига ўтказиш ишларини ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини яхшилашга ва ҳар бирининг имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, шунингдек, ўқувчилар эҳтиёжига асосан сифатли таълим хизматларини кўрсатиш чораларини кўриш;

о) ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалари билан таъминлаш ишларини ташкил этиш, дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, дарсликлар ижара тизимидан тушган

маблағларнинг жамғарилишини назорат қилиш ҳамда уларнинг мақсадга мувофиқ сарфланишини таъминлаш;

п) ота-оналар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил қилиш;

р) болаликни ҳимоя қилиш бўйича, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатлари хавфсизлигини муҳофаза қилишга оид талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

с) кам таъминланган оилаларнинг 1-11 синф фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш ишларини, уларни қишки кийим-кечак мажмуаси ва дарсликлар билан бепул таъминлашни ташкил этиш;

т) интернат туридаги умумтаълим муассасаларида ётоқхонага муҳтож ўқувчилар учун керакли яшаш ва овқатланиш шароитларини яратиш;

у) ўқувчиларни миллий анъаналар, урф-одатлар бўйича тарбиялашга, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, ватанига ва халқига содиқ фуқаро сифатида тарбиялаш;

ф) мактаб ходимлари орасидаги энг фаолларини рағбатлантириш, лавозим вазифаларини бажармаганлиги учун уларга нисбатан ўз ваколати доирасида интизомий жазо чораларини қўллаш;

х) ўқувчиларни ичимлик суви билан таъминлаш ва болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

ч) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш;

ш) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган йўриқномага мувофиқ, қонунчиликда назарда тутилган ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига асосланган сифатли иш юритиш тизимини шакллантириш;

э) мактабнинг мулкӣ манфаатларини судда, ҳакамлик судида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ҳимоя қилиш;

ю) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

### 3. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини, жамоани бошқаришнинг самарали усулларини;

в) ўқув ва тарбия сифати, давлат таълим стандартлари талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

д) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олишни, таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини топишни;

е) мактабни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузиш, шартномалар тузишни;

ж) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни;

з) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

### 4. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги тажрибали офицерлар (умумий ўрта таълим мактаблари учун);

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) умумий ўрта (бошланғич) таълим мактаблари учун – таълим соҳасида камида 5 йиллик педагогик стаж ва раҳбарлик лавозимида 2 йил иш стаж, 5 йил ҳарбий стаж;  
айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган синфлар ва ихтисослаштирилган мактаблар учун - таълим соҳасида камида 5 йил педагогик ва 10 йил умумий иш стаж мавжудлиги;

айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар учун - таълим соҳасида камида 10 йил педагогик стаж ва раҳбарлик лавозимида 5 йил иш стаж.

**2-§. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат)  
директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари  
лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	914
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

**5. Лавозим вазифалари:**

а) ўқув жараёнини ташкил қилиш, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув-тарбиявий режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;

б) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, педагогик жамоанинг ўқув-методик ишларига раҳбарлик қилиш, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни, замонавий педагогик технологияларни жорий қилишни ташкил этиш;

в) педагог ходимларга методик ёрдамни, жамоанинг ва ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилишни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

г) ўқитувчилар фаолиятининг йиллик, чораклик ва ойлик режаларини тасдиқлаш ва бажарилишини назорат қилиш, ўқитувчилар фаолиятининг тасдиқланган режаларига мос равишда иш вақти ҳисобини олиб бориш, дарслар, имтиҳонлар жадвали ва бошқа ўқув тадбирларини ишлаб чиқиш;

д) мактабда таълим стандартлари талаблари бажарилишини назорат қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва хулқининг мониторингини амалга ошириш, факультатив машғулотлар ва фанлар тўғарақларининг ишлашини ташкил қилиш;

е) ўқув хоналарини намоёниш ва техник таълим воситалари билан, кутубхоналарни китоблар, ўқув-методик қўлланмалар, газеталар, журналлар ва бошқа ахборот манбалари билан жиҳозланишига раҳбарлик қилиш;

ж) ўқув фанлари бўйича методик материаллар ишлаб чиқилишини, ёш мутахассисларга методик ёрдам беришни, ўқитувчилар малакасини, касбий маҳоратини ошириш ишларини олиб бориш, ўқувчиларнинг ўқув юкмасини такомиллаштириш;

з) синф журналларининг юритилиши ва сақланишини таъминлаш, синф раҳбарлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, ўқув ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботларни тузиш, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

и) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш;

к) болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилинишини таъминлаш;

л) директор йўқлигида унинг лавозим вазифаларини бажариш.

м) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

**6. Билиши лозим:**

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

- б) педагогика фанлари ва амалиёти, жамоани бошқаришнинг самарали усуллари хамда бошқариш психологияси ютуқларини;
  - в) мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини;
  - г) давлат таълим стандартлари талаблари ва унинг мазмунини, илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини;
  - д) ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;
  - е) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;
  - ж) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олиш, таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;
  - з) мактабни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузишни;
  - и) методик тавсиялар, ўқув режалари ва дастурлар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишни;
  - к) мактаб фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиш, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни;
  - л) педагогика, психология, болалар физиологиясини хамда педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни;
  - м) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.
7. Малака талаблари:
- а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;
  - б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;
  - в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик стаж.

**3-§. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	914
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

8. Лавозим вазифалари:
- а) таълим муассасасида маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни ташкил қилиш;
  - б) тарбиявий ишларнинг йиллик ва ойлик режаларини ишлаб чиқиш, синф раҳбарлари амалга оширадиган тарбиявий ишлар режаларининг бажарилишини назорат қилиш;
  - в) “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” мажмуасига кирувчи фанлар бўйича таълим стандартлари талабларининг бажарилишини назорат қилиш, шу фанлар бўйича ўзлаштириш, ўқувчиларнинг давомати ва хулқи, тарбиявий тадбирларнинг сифати ва самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;
  - г) мактабда тўғараклар ва спорт секцияларининг фаолият юритишини таъминлаш;
  - д) миллий анъаналар, тарихий кадриятлар ва буюк аждодлар мисоли асосида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил қилиш;
  - е) ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари, экскурсия ва маданий оммавий ишларни мувофиқлаштириб бориш;

ж) педагогик жамоанинг таътил пайтидаги фаолиятини, жумладан ёзги ўқув таътили даврида ўқувчиларнинг кундузги дам олиш оромгоҳларида дам олиши билан боғлиқ ишларни ташкил қилиш;

з) мактабнинг ўқув ва бошқа хоналарини ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига оид масалаларни ҳал қилишга хизмат қилувчи кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш;

и) мактабнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларини мувофиқлаштириш ва йўналтириш;

к) мактабнинг илғор педагогик тажриба алмашиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қилиш;

л) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, юқори малакали ўқитувчиларнинг илғор педагогик тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни оммалаштириш;

м) тарбиявий ишлар бўйича методик материаллар ишлаб чиқишни, ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, ўқитувчиларнинг касб маҳоратини, малакасини ошириш ишларини олиб бориш;

н) синф раҳбарларининг синфдан ва мактабдан ташқари олиб борадиган тарбиявий фаолиятига раҳбарлик қилиш, таълим муассасаси тарбиявий ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботлар тузиш, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил қилиш;

о) ўқувчиларнинг тартиб-интизоми ва давомати, тарбиявий ишлар самарадорлигининг назоратини амалга ошириш;

п) санъаткорлар, спортчилар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қилиш;

р) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

с) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш;

т) болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

у) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

9. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) жамоани бошқаришнинг самарали усулларини ҳамда бошқариш психологияси ютуқларини;

в) болаларни ватанпарварлик руҳида маънавий-ахлоқий тарбиялаш усулларини;

г) ўз халқи тарихини, мактаб фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини;

д) таълим стандартлари талаблари ва унинг мазмунини;

е) ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

ж) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усулларини, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

з) педагогика фани ва амалиёти, бошқарув психологиясининг жаҳон ва мамлакат миқёсидаги эришилган ютуқларини;

и) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олиш, таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;

к) мактабнинг тарбиявий тадбирлар сценарийларини ва тарбиявий ишлар режалари, дастурларини ишлаб чиқишни;

л) методик тавсиялар, ўқув режалари ва дастурлар, қоидалар, низомлар, лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқишни;

м) мактаб фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиш, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни;

н) педагогика, психология, болалар физиологияси, педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни.

о) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

10. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги тажрибали офицерлар (умумий ўрта таълим мактаблари ёки ҳарбийлаштирилган синфлари бўлган ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатлари учун);

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик ёки ҳарбий стаж.

#### **4-§. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) ўқитувчиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	2714	2715
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	3310	2330
Ходимлар тоифаси	Мутахассис	

11. Лавозим вазифалари:

а) давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ тегишли фанлар бўйича дарс машғулотларига тайёргарликни ва уларни ўтказишни таъминлаш;

б) ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини амалиётда мустақил қўллай олишга тайёрлаш, давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришларини холисона, мунтазам баҳоланишини таъминлаш;

в) давлат таълим стандартларига мувофиқ дастур материалларини юқори даражада ўзлаштиришни таъминлаш, билимларни ўзлаштиришда нуқсонлари бўлган ўқувчилар билан гуруҳлар бўйича ва индивидуал ишлаш;

г) факультатив машғулотлар ўтказиш, фан тўғрақларида ишлаш, фанлар олимпиадаларига, турли танловларга ва фестивалларга ўқувчиларни тайёрлаш, ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни амалга ошириш;

д) ўқувчиларнинг дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишини ва уларнинг сақланишини назорат қилиш;

е) ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириш ҳисобини олиб бориш, уларнинг мактаб устави талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

ж) ўқувчилар ҳуқуқларига ва болаларни муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларига риоя қилиш;

з) жорий, оралик ва якуний тестлар (назорат сўрови), имтиҳонлар ўтказиш, ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва дафтарларини текшириш;

и) ҳар бир дарс режаларини, дарс ўтказиш учун зарур бўлган дидактик тарқатма ва кўргазмали материалларни ишлаб чиқиш;

к) ўзига бириктирилган синф хоналари, лаборатория хоналаридаги қурилмалар, техник воситалар, мулк ва бошқа моддий бойликларнинг сақланишини ҳамда улардан ўқув-методик мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлаш;

л) педагогик кенгаш, методик кенгаш, семинар, тренинг, мажлисларда, очик дарсларда, ҳисоботлар тузишда ва методик материаллар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

м) ўқув қурилмаларидан фойдаланганда техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилиш;

н) педагогик ахлоқ нормаларига риоя қилиш, ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш, уларнинг фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш масалалари бўйича индивидуал учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

о) мактаб психологи билан ҳамкорликда ўқувчилар шахсини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш ва касбгача тайёрлаш масалалари бўйича тегишли ишлар олиб бориш;

п) маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда болаларни ўқишга тўлиқ қамраб олиш, тўққизинчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига жалб қилиш масалалари билан шуғулланиш;

р) касб маҳоратини муттасил ошириб бориш, ўз фаолиятида илғор таълим методларини ўрганиш ва амалга ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қоидаларига риоя қилиш;

с) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

12. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) давлат таълим стандартларини;

в) ўзи ўқитадиган ўқув фанининг илмий-назарий асослари, унинг мазмуни ва амалда қўлланилиши, ўқитаётган фан бўйича дарс ўтиш методикаси ва ташкил қилиш тартибини;

г) ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор шакллари ва интенсив усулларини;

д) ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий, самарали шакллари, назорат усулларини;

е) ўқувчиларни фаоллигини рағбарлантириб бориш ва ўзлаштиришини баҳолашнинг рейтинг тизимини;

ж) педагогика, ёш психологияси ва физиологиясини, ўқув жараёни техник воситаларини амалиётда қўллашни;

з) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

13 Малака талаблари:

а) бошланғич синф ўқитувчиси учун - бошланғич таълим ихтисослиги бўйича камида ўрта махсус педагогик маълумот ёки камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ва бошланғич таълим ихтисослиги бўйича дарс бериш ҳуқуқи билан касбий қайта тайёрлов курсини тугатганлиги;

б) фан ўқитувчиси учун - фан йўналишига тўғри келувчи камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ёки камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ва фан йўналишига тўғри келувчи дарс бериш ҳуқуқи билан касбий қайта тайёрлов курсини тугатганлиги ёхуд фан йўналиши (хусусияти)га тўғри келувчи камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ва педагогик фаолият юритиш ҳуқуқи билан қайта тайёрлов курсини тугатганлиги;

в) айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда мактаб-интернатларнинг ихтисослаштирилган фан ўқитувчиси учун – камида биринчи малака тоифасига эга бўлиши;

г) Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари ва ўқитувчиси лавозимига олий таълим муассасаларининг “Чақириққача ҳарбий таълим” йўналишларини тамомлаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги тажрибали офицерлар. Бунда номзоднинг маълумоти, ҳарбий, жисмоний ва педагогик тайёргарлигининг савияси, шунингдек ташкилотчилик қобилияти ҳамда услубий кўникмалари пухта шаклланганлиги ҳисобга олинади;

д) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.

#### **5-§. Умумий ўрта таълим мактаби (мактаб-интернат) психологи лавозимининг малакавий тавсифлари**

Тартиб рақами	2292
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2444
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

#### 14. Лавозим вазифалари:

а) ўқувчиларни (тарбияланувчиларни) муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида рухий, жисмоний (соматик) ва ижтимоий фаровонлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган касбий фаолиятни амалга ошириш;

б) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, таълим муассасаси ижтимоий соҳасини уйғунлаштиришга кўмаклашиш ва ижтимоий жиҳатдан кўника олмаслик ҳоллари юзага келишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

в) ўқувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва турли кўринишдаги психологик ёрдам (психокоррекция, реабилитация ва маслаҳат) бериш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ўқувчилар (тарбияланувчилар), ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), педагогик жамоага аниқ муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш;

г) турли йўналиш ва мақсадларда психологик ташхис ўтказиш, рухий, жисмоний ва ақлий қобилият, мойиллик, имконият каби сифатларни аниқлаш учун тестлар ўтказиш, тест натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

д) бола руҳиятидаги салбий ўзгаришларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, бу борада тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;

е) турли ёш давларида ўқувчиларнинг шахсий, ақлий ва ижтимоий ривожланишини психологик жиҳатдан кузатиб бориш, таълим-тарбиядаги психологик нуқсонларни аниқлаш, уларнинг ақлий тараққиётида содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай салбий оғишларнинг олдини олиш;

ж) ўқувчилар (тарбияланувчилар) шахсининг индивидуал ёш хусусиятлари, жинсини ҳисобга олиб таълим фаолиятининг ривожлантирувчи ва тузатувчи дастурларини режалаштириш ва ишлаб чиқишда иштирок этиш, уларда ҳаётий ва касбга йўналиш олишнинг турли вазиятларига мослашувчанликка тайёргарликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

з) иқтидорли ўқувчиларни (тарбияланувчиларни) психологик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиши ва изланишларига кўмаклашиш;

и) ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) ривожланишидаги (ақлий, жисмоний, ҳиссий), турли кўринишдаги ижтимоий ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни психологик-педагогик жиҳатдан тузатишни амалга ошириш;

к) ўқувчилар (тарбияланувчилар), педагогик жамоа, ота-оналарнинг (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) психологик ва жинсий тарбия маданиятини шакллантириш;

л) педагогик жамоаларда соғлом психологик муҳитни яратиш ва қўллаб-қувватлаш, жамоа аъзоларининг ҳиссий-эмоционал ҳолатлари, шахслараро муносабатлар ва зиддиятли хатти-ҳаракатларни коррекциялаш, уларнинг психологик маданиятини юксалтириш;

м) истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш, уларнинг индивидуал-психологик, физиологик хусусиятлари ва қизиқишларини ўрганиш, қобилиятларини намоён этишлари ва ривожлантиришлари учун шароит яратиш;

н) ахборот-психологик хуружларнинг хавфи, Интернет жаҳон ахборот тармоғининг салбий таъсири, ёшлар тарбиясига хавф солаётган “оммавий маданият”нинг кириб келиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;

о) педагог ходимлар, ўқувчилар ҳамда ота-оналарнинг психологик-педагогик билимларини оширишга кўмаклашиш, педагог ходимлар, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

п) болаларни 1-синфга қабул қилиш комиссияси таркибида болаларни олти ёшдан ўқишга тайёрлигини аниқлаш;

р) ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналарга ўқувчиларнинг (тарбияланувчиларнинг) шахс ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши муаммолари бўйича йўналиш бериш мақсадида ўрганиш натижаларига кўра психологик-педагогик хулоса тузиш;

с) таълим муассасаси ходимларини ўқувчилар (тарбияланувчилар), педагог ходимлар, ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) ижтимоий-психологик хабардорлик даражасини оширишга йўналтирилган психологияни амалда қўллаш, муассасанинг ривожланиши масалаларида маслаҳатлар бериш;

т) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

15. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларни;

в) умумий ва ижтимоий психология, ёш психологиясини, тиббий психология, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар психологияси хусусиятларини, болалар нейропсихологиясини;

г) психодиагностика ютуқларини, индивидуал фарқ психологиясини, дефектология асосларини, психотерапия, психогигиена, касбга йўналтириш ва меҳнат психологиясини;

д) ташхислаш методологияси ва методикасини, психопатология, индивидуал ва гуруҳлар бўйича касбга маслаҳат беришнинг замонавий методларини, боланинг меъёрий ва нотўғри ривожланишини ташхислаш ва тузатишни, ҳуққ этикаси ва маданиятини;

е) тадқиқот ишларини ўтказиш технологиясини, тадқиқот натижаларини компьютерда қайта ишлашни, психодиагностиканинг долзарб илмий маълумотларини;

ж) ўқувчиларнинг (тарбияланувчилар) меҳнати муҳофазаси, соғлиғини сақлаш, касбга йўналтириш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг ижтимоий муҳофазасини;

з) энг муҳим муаммоларни аниқлай олиши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;

и) лавозим мажбуриятлари доирасига кирувчи масалалар бўйича мажлислар, суҳбатлар ўтказиш, маслаҳатлар беришни;

к) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

16. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги психологик ёки олий педагогик маълумот ва психология йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсини тугатганлик;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.

### **6-§. Ўқитувчи-дефектолог, ўқитувчи-логопед лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	2717	2718
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2330	2330
Ходимлар тоифаси	Мутахассис	

17. Лавозим вазифалари:

а) ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг ривожланишидаги муаммоларни тузатишга қаратилган ишларни олиб бориш, уларни текшириш орқали мавжуд бўлган нуқсон таркиби ва ифодаланиш даражасини аниқлаш;

б) уларнинг руҳий-жисмоний ҳолатини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар ўтказиш учун гуруҳлар ташкил қилиш, гуруҳлар билан ва индивидуал тартибда уларнинг ривожланишидаги муаммоларни тузатиш, носоз функцияларни тузатиш бўйича машғулотлар ўтказиш;

в) ўқитувчилар ва тарбиячилар билан яқин ҳамкорликда ишлаш, машғулот ва дарсларида иштирок этиш, педагог ходимлар ва ота-оналар (уларнинг ўрнини босувчи шахслар)га ривожланишида муаммоси мавжуд бўлган болаларга ёрдам кўрсатишнинг махсус методлари ва усуллари кўллаш бўйича маслаҳатлар бериш ҳамда улар фаолияти билан боғлиқ зарурий ҳужжатларни юритиш;

г) шахснинг умумий маданиятини шакллантиришда, унинг ижтимоийлашишида касбий дастурларни онгли равишда танлаш ва ўзлаштиришда кўмаклашиш, давлат стандартлари доирасида таълим беришнинг турли шакллари, методлари ва воситаларини кўллаш, таълим дастурларини амалга ошириш;

д) ўқувчиларни (тарбияланувчиларни) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида белгиланган ҳуқуқларга риоя қилиш ва эркинликларини таъминлаш;

е) ўз касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, методик уюшмалар фаолиятида ва бошқа кўринишдаги методик ишларда қатнашиш;

ж) таълим жараёнида ўқувчиларнинг ҳаётини ва соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш;

з) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

и) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

18. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) махсус ва ёшлар педагогикаси ҳамда психологиясини;

в) дефектологиянинг анатомик-физиологик ва клиник асосларини;

г) ўқувчилар (тарбияланувчилар) нинг ривожланишидаги муаммоларини олдини олиш ва тузатишнинг методлари ҳамда усуллари, улар билан ишлашда қўлланиладиган дастурий-методик адабиётларни;

д) дефектология фанининг энг янги ютуқларини;

е) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

19. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумотли дефектолог (логопед) ёки олий маълумот ва дефектология (логопедия) йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсини тугатганлиги;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.

**7-§. Қуни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	154
---------------	-----

Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	3320
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

## 20. Лавозим вазифалари:

а) давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ тегишли фан бўйича дарслар, машғулотларга тайёргарликни ва уларни ўтказишни таъминлаш;

б) ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини амалиётда мустақил қўллай олишга тайёрлаш, таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг ўқув материалларини ўзлаштиришларини ҳолисона мунтазам баҳоланишини таъминлаш;

в) давлат таълим стандартларига мувофиқ дастур материалларини юқори даражада ўзлаштиришни таъминлаш, билимларни ўзлаштиришда муаммолари бўлган ўқувчилар билан гуруҳлар бўйича ва индивидуал иш олиб бориш;

г) ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириш ҳисобини олиб бориш, уларнинг мактаб устави талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

д) ўқувчилар ҳуқуқларига ва болаларни муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларига риоя қилиш;

е) жорий ва назорат сўрови ўтказиш, ўқувчиларнинг ёзма ишларини ҳамда дафтарларини текшириш;

ж) машғулотлар ўтказиш учун зарур бўлган дидактик таркатма ва кўргазма материалларни ишлаб чиқиш;

з) ўзига бириктирилган синф хоналари, лаборатория хоналаридаги қурилмалар, техник воситалар ва бошқа моддий бойликларнинг сақланишини ва улардан ўқув-методик мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлаш;

и) педагогик ва методик кенгаш, семинар, тренинг, мажлисларда, очик дарсларда, ҳисоботлар тузишда ва методик материаллар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

к) ўқув қурилмаларидан фойдаланганда техника хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилиш;

л) педагогик ахлоқ нормаларига риоя қилиш, ота-оналар билан иш олиб бориш, уларнинг фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш масалалари бўйича индивидуал учрашувлар ҳамда суҳбатлар ўтказиш;

м) касб маҳоратларини ошириб бориш, ўз фаолиятига оид илғор таълим методларини ўрганиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми қоидаларига риоя қилиш;

н) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

## 21. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ўзи ўқитадиган ўқув фанининг илмий-назарий асослари, унинг мазмуни ва амалда қўлланилишини;

в) ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор шакллари ва интенсив усулларини;

г) ўқитаётган фан бўйича дарс ўтказиш методикаси ва ташкил қилиш тартибини;

д) ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий ва самарали шакллари ҳамда назорат усулларини;

е) ўқувчиларни тест синовларидан ўтказиш ва баҳолаш мезонларини;

ж) педагогика, ёш психологияси ва физиологиясини, ўқув жараёни техник воситаларини амалиётда қўллашни;

з) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

## 22. Малака талаблари:

камида ўрта махсус педагогик маълумот.

## **8-§. Умумий ўрта таълим мактаби ёшлар етакчисининг лавозим малака тавсифлари**

Тартиб рақами	1548 <sup>1</sup>
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2330
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

23. Лавозим вазифалари:

- а) таълим муассасасида Ёшларга оид давлат сиёсатининг ижросини таъминлаш;
- б) ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига миллий истиқлол ғояси, миллий қадриятлар, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва оилавий қадриятларни сингдириш;
- в) таълим муассасаси ўқувчиларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ўқув, тарбия ва бошқа жараёнларда иштирок этиш, масъул ходимлар ва ўқитувчилардан зарур ахборот ва маълумотларни олиш;
- г) таълим муассасасида ўқувчилар муаммоларини ўрганиш мақсадида социологик сўровлар олиб бориш, ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш ва умумий ўрта таълим муассасаси педагогик Кенгаши ва юқори ташкилотларга таклифлар киритиш;
- д) мактаб тарбиявий ишлари режасига мувофиқ ўқитувчилар, жумладан синф раҳбарлари, тарбиячилар ва бошқа педагог ходимлар билан биргаликда ғоявий-ахлоқий тарбия, спорт-оммавий ва маданий тадбирлар бўйича ишларни амалга оширишда иштирок этиш;
- е) ўз вазифаларини бажаришда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши, маданият марказлари, кинотеатрлар, музейлар, истироҳат боғлари, спорт мактаблари ва бошқа мактабдан ташқари муассасалар ходимлари билан ҳамкорлик қилиш;
- ж) истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган ишларни амалга ошириш;
- з) имконияти чекланган ҳамда алоҳида эътиборга муҳтож ўқувчиларга таълим олиши учун таълим муассасаси томонидан қулай шароит яратишини таъминлаш;
- и) дарсларни мунтазам қолдириб келаётган ўқувчиларни таълим жараёнига қайтаришга қаратилган тизимли ишларни синф раҳбари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари билан амалга ошириш;
- к) ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни барвақт олдини олиш, ахборот ҳуружлари ва экстремистик ғояларга қарши қаратилган профилактик ишларни амалга ошириш;
- л) ўқувчилар ўртасида китобхонликни кенг ёйиш, уларнинг китобга бўлган муҳаббатини ошириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш, китобхонлик клубларини ташкил этишга қўмаклашиш;
- м) ўқувчилар ўртасида ёшлар туризмни ривожлантириш, уларнинг ўзлари истиқомат қилаётган ҳудуддаги тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, музейлар, театрлар, мустақиллик даврида барпо этилган иншоотларга ташрифларини уюштириш;
- н) ўқувчилар ўртасида оммавий спортни кенг тарғиб қилиш, уларнинг спортга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш ва турли спорт мусобақаларида иштирок этишлари учун зарур шароитларни яратишга қўмаклашиш;
- о) ёшлар ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тарғиб қилиш орқали уларда экологик маданиятни шакллантириш;
- п) ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш, жумладан таълим муассасасидаги 5 та ташаббус доирасида фаолияти йўлга қўйилган маданият, санъат, спорт, АКТ, қизларнинг ижтимоий фаоллигини

ошириш бўйича ва бошқа йўналишлардаги тўғараклар фаолиятини ташкил этилишини назорат қилиш;

р) ёшларнинг интеллектуал ва шахсий ривожлантиришга қаратилган клублар ташкил этиш ва уларни юритиш;

с) таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланган ёшлар етакчисининг иш режасида ва таълим муассасаси режасида белгиланган тегишли топшириқ ҳамда чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш;

т) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

24. Билиши лозим:

а) ёшларга оид давлат сиёсати ва бола ҳуқуқларига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) таълим тизимига доир меъёрий ҳужжатларни;

в) мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талабларининг мазмунини;

г) тарбиявий ишлар концепциясини, ўқитиш методларини, гигиена, педагогика, психологияни;

д) таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш йўналишларини;

е) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

25. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий маълумот (педагог, психолог, социолог, ижтимоий иш, менежмент ихтисослигига эга мутахассис);

б) 35 ёшдан ошмаган;

в) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.

### **3-боб. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ходимларининг малака тавсифлари**

#### **9-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) директори лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	688
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1319
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

26. Лавозим вазифалари:

а) Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаларининг (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

б) мактаб-интернат таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилашнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) мактаб-интернатнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш ҳамда педагогик ходимлар томонидан иш режаларининг бажарилишини назорат қилиш;

г) таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларнинг қўлланишини назорат қилиш;

д) мактаб-интернат фаолиятининг молиявий-хўжалик масалаларини ҳал қилиш, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг шаклланиши, улардан самарали фойдаланишини амалга ошириш;

е) корхона, муассаса ва ташкилотлар билан шартномалар тузишда мактаб-интернат номидан фаолият юритиш, унинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ишончномалар бериш, турли йўналишлардаги давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш;

ж) ўқув жиҳозлари, махсус техника ва бошқа таълим воситаларининг сақланишини таъминлаш, мактаб-интернатнинг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

з) мактаб-интернатнинг педагог ходимларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш, педагог ходимлар аттестациясини ташкил қилиш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

и) мактаб-интернат қошидаги махсус комиссияга раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг билимлари сифатини тегишли давлат таълим стандартларига мос келишини, тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминлаш ва назорат қилиш;

к) педагог ходимларни рағбатлантириш учун тегишли давлат таълим стандартлари талабларининг бажарилишини холис баҳолашни ташкил қилиш;

л) ўқувчиларни мактаб-интернатга қабул қилиш ва синфдан синфга ўтказиш ҳамда бир мактаб-интернатдан бошқасига ўтказиш ишларини ташкил қилиш;

м) ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалари билан бепул таъминлаш ишларини ташкил этиш;

н) ота-оналар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ўқув-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил этиш;

о) болаликни ҳимоя қилиш бўйича, вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга оид талабларга риоя қилинишини таъминлаш;

п) кам таъминланган оилалар фарзандларини ижтимоий муҳофаза қилиш ишларини, уларни қишки кийим-кечак мажмуаси билан бепул таъминлашни ташкил этиш;

р) ўқувчилар учун керакли яшаш ва овқатланиш шароитларини яратиш;

с) ўқувчиларда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, ватанига ва халқига содиқ фуқаро сифатида тарбиялаш;

т) мактаб-интернат ходимлари вазифалари, лавозим мажбуриятларини белгилаш, улар орасидаги энг фаолларини рағбатлантириш, ўз ваколати доирасида интизомий жазо чораларини қўллаш;

у) мактаб-интернат ихтисослиги бўйича ўқувчилардаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш мақсадида соғломлаштириш ва коррекцион ишларни ташкил қилиш;

ф) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш;

х) ўқувчиларни ичимлик суви билан таъминлаш ва болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

ч) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

27. Билиши лозим:

а) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини, умумий ўрта таълим соҳасидаги, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) мактаб-интернат фаолияти ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини, жамоани бошқаришнинг самарали усулларини;

в) ўқув ва тарбия сифати, тегишли давлат таълим стандартлари талабларини жорий қилиш натижалари билан боғлиқ ҳолда ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

д) махсус педагогика, психология, методика соҳасида қўлланиладиган метод ва педагогик технологияларини;

е) таълим муассасаси ва педагог ходимлар фаолиятини таҳлил қила олишни, таълим муассасаси фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;

ж) мактаб-интернатни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим муассасасини бошқаришнинг ташкилий таркибини тузиш, шартномалар тузишни;

з) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни;

и) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

28. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажини.

**10-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган  
давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)  
директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари  
лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	914
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

29. Лавозим вазифалари:

а) таълим жараёнини ташкил қилиш, тегишли давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқув режалар ва дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;

б) педагогик ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, педагогик жамоанинг ўқув-методик ишларига раҳбарлик қилиш, ўқитувчиларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштиришни, замонавий педагогик технологияларни жорий қилишни ташкил этиш;

в) педагогик ходимларга методик ёрдам кўрсатиш, ўқитувчиларнинг педагогик фаолиятини таҳлил қилишни ташкил қилиш ва амалга ошириш;

г) ўқитувчилар фаолиятининг йиллик, чораклик ва ойлик режаларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилиш, ўқитувчилар фаолиятининг тасдиқланган режаларига мос равишда иш вақти ҳисобини олиб бориш, дарслар, имтиҳонлар жадвали ҳамда бошқа ўқув тадбирларини ишлаб чиқиш;

д) мактаб-интернатда назорат ишларини ташкил этиш, тегишли таълим стандартлари талаблари бажарилишининг, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва хулқининг мониторингини амалга ошириш, коррекцион машғулотлар ва фанлар тўғрақларининг ишлашини ташкил қилиш;

е) ўқув хоналарини техник таълим воситалари билан, кутубхоналарни тегишли ахборот манбалари билан жиҳозланишига раҳбарлик қилиш;

ж) ўқув фанлари бўйича методик материаллар ишлаб чиқиш, ёш мутахассисларга методик ёрдам бериш, ўқитувчилар малакасини ва касбий маҳоратини ошириш ишларини олиб бориш, ўқувчиларнинг ўқув юкмасини такомиллаштириш;

з) синф журналларининг юритилиши ва сақланишини таъминлаш, синф раҳбарлари фаолиятига раҳбарлик қилиш, ўқув ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботларни тузиш, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

и) коррекцион йўналишга мос равишда таълим тарбия жараёнини янги замонавий талаблар асосида ташкил қилиш;

к) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

л) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

30. Билиши лозим:

а) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини, умумий ўрта таълим соҳасидаги, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) педагогика фанлари ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларини;

в) мактаб-интернат фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини;

г) махсус педагогика, психология, методика соҳасида қўлланиладиган метод ва воситаларини;

д) тегишли давлат таълим стандартлари талаблари ва мазмунини, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини;

е) жамоани бошқаришнинг самарали усулларини, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш методларини;

ж) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

з) таълим муассасаси ва ўқитувчилар фаолиятини таҳлил қила олишни, муаммоларини аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўллари топишни;

и) таълим муассасаси фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилишни, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;

к) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб боришнинг усулларини;

л) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни;

м) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

31. Малака талаблари:

а) таълим муассаса йўналиши бўйича камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ёки олий педагогик маълумот ва таълим муассаса йўналиши бўйича тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлиги;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) беш йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

**11-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	913
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

### 32. Лавозим вазифалари:

- а) таълим муассасасида маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни ташкил қилиш;
- б) тарбиявий ишларнинг йиллик ва ойлик режаларини ишлаб чиқиш, синф раҳбарлари ва тарбиячилари амалга оширадиган тарбиявий ишлар режаларининг бажарилишини назорат қилиш;
- в) “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” мажмуасига кирувчи фанлар бўйича таълим стандартлари талабларининг бажарилишини назорат қилиш, шу фанлар бўйича ўзлаштириш, ўқувчиларнинг давомати ва хулқи, тарбиявий тадбирларнинг сифати ва самарадорлиги мониторингини амалга ошириш;
- г) мактаб-интернатда тўғарақлар ва спорт секцияларининг фаолият юритишини таъминлаш;
- д) миллий анъаналар, миллий ва умуминсоний кадриятлар ва буюк аждодлар мисоли асосида ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил қилиш;
- е) ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари ва тарбиявий ишлар, экскурсия ва маданий оммавий ишларни мувофиқлаштириш;
- ж) педагогик жамоанинг таътил пайтидаги фаолияти билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш;
- з) мактаб-интернатнинг ўқув, ётоқ ва бошқа хоналарини кўргазмалар тарғибот ва ташвиқот воситалари билан жиҳозлашни ташкил қилиш;
- и) мактаб-интернатнинг маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларини мувофиқлаштириш, синф раҳбарлари ва тарбиячиларининг ишларини ташкил қилиш;
- к) илғор педагогик тажриба алмашиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, тарбиявий ишлар сифати ва натижаларини таҳлил қилиш;
- л) педагогик ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этиш, юқори малакали ўқитувчиларнинг ва тарбиячиларнинг илғор педагогик тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;
- м) тарбиявий ишлар бўйича методик материаллар ишлаб чиқишни, ёш мутахассисларга методик ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш, тарбиячиларнинг касб маҳоратини, малакасини ошириш ишларини олиб бориш;
- н) синф раҳбарларининг ва тарбиячиларнинг синфдан ва мактаб-интернатдан ташқари олиб борадиган тарбиявий фаолиятига раҳбарлик қилиш, таълим муассасаси тарбиявий ишлари ҳолати ва натижалари тўғрисида ҳисоботлар тузиш, ота-оналар билан ҳамкорликни ташкил қилиш;
- о) ўқувчиларнинг тартиб-интизоми ва давомати, тарбиявий ишлар самарадорлиги назоратини амалга ошириш;
- п) санъаткорлар, жамоат арбоблари, уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ва ижодий кечалар ўтказилишини ташкил қилиш;
- р) коррекцион йўналишга мос равишда таълим тарбия жараёнини янги замонавий талаблар асосида ташкил қилиш;
- с) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўқувчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;
- т) санитария-гигиена талабларига, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.
- у) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

### 33. Билиши лозим:

- а) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини, умумий ўрта таълим соҳасидаги, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

- б) педагогика фанлари ва амалиёти, бошқариш психологияси ютуқларини, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикаларини;
- в) мактаб-интернат фаолиятини ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини;
- г) тегишли давлат таълим стандартлари талаблари ва унинг мазмунини;
- д) жамоани бошқаришнинг самарали усуллари, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш методларини;
- е) илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усулларини;
- ж) ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;
- з) таълим муассасаси ва тарбиячилар фаолиятини таҳлил қила олишни, муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини ҳамда ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;
- и) мактаб-интернатнинг тарбиявий тадбирлар сценарийларини ва тарбиявий ишлар режалари, дастурларини ишлаб чиқишни;
- к) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни, таълим-тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;
- л) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб боришнинг усулларини;
- м) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

34. Малака талаблари:

- а) таълим муассаса йўналиши бўйича камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ёки олий педагогик маълумот ва таълим муассаса йўналиши бўйича тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлиги;
- б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;
- в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

**12-§. Таълим муассасаси (мактаблар, мактаб-интернатлар) услубчиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	1718
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2341
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

35. Лавозим вазифалари:

- а) таълим муассасалари, методик ишларни ташкил қилиш, муассасалардаги ўқув-методик ва тарбиявий ишларнинг ҳолатини ва уларнинг давлат таълим стандартларига мослигини таҳлил қилиш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- б) таълим муассасаларида тўғарақлар шакллантиришда иштирок этиш, педагог ходимларга ўқитиш мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларини аниқлашда ёрдам бериш;
- в) методик ва ахборот материалларини ишлаб чиқишда, таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини режалаштиришда иштирок этиш;
- г) таълим муассасалари педагог ходимларига тегишли фаолият йўналишлари бўйича маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш;
- д) ўқув, ўқув-мавзу режалар, фанлар ва ўқув курслари бўйича дастурлар тузиш;

е) ўқув-методик ҳужжатлар, қўлланмалар (ўқув фанлари, қурилмалар намунавий рўйхати, дидактик материаллар ва ҳоказо) ишлаб чиқишни, уларга тақриз беришни ва тасдиқлашга тайёрлашни ташкиллаштириш;

ж) муассасанинг тажрибавий ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, таълим муассасаси раҳбари ва мутахассисларининг энг самарали тажрибаларини умумлаштириш ва уни оммалаштириш ишларини амалга ошириш;

з) педагог ходимларнинг методик уюшмалари ишларини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш, конференциялар, семинарлар, танловлар, кўргазмалар, олимпиадалар, мусобақалар ва ҳоказоларни ўтказиш бўйича зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

и) таълим мазмунини экспертиза қилиш ва илмий-методик таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш, истиқболда дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик материалларни нашр қилиш режаларини тузишда, муаллифларни танлашда иштирок этиш;

к) нашр этилаётган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, видеоматериаллар, аудиовизуал ва бошқа ўқитиш воситалари хусусида таълим муассасаларини хабардор қилиш ҳамда таълим муассасаларнинг уларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

л) илғор педагогик технологиялар тажрибаси тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш, ўқитиш ва тарбиялашнинг самарали технологияларини амалга оширишни ташкил қилиш;

м) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш;

н) болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

о) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

36. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) дидактика тамойиллари педагогика асослари ва ёш психологияси, ўқитишнинг умумий ва хусусий технологиялари, ўзлаштириш методикаси ва ўқув фанини методик таъминлаш тамойилларини;

в) таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил қилиш тизимини, унинг фаолият йўналишларини;

г) таълим муассасаларидаги педагогик ишларнинг самарали фаолият юритишининг шакл ва методларини аниқлаш, умумлаштириш ва уларни оммалаштириш методикасини;

д) таълим муассасалари педагог ходимлари методик уюшмалари иши мазмуни ва уни ташкил этириш тамойилларини;

е) ўқув-дастурий ҳужжатлар, ихтисосликлар бўйича ўқув режалари, таълим дастурлари, ўқув қурилмаларининг намунавий рўйхати ва бошқа ўқув методик ҳужжатларни ишлаб чиқиш тамойиллари ва тартибини;

ж) нашриётлар билан ишлаш асосларини, методик ва ахборот материалларини тартибга солиш тамойилларини, ўқув қўлланмалари мажмуасини юритиш, ўқитишнинг аудиовизуал ва интерактив воситаларига асосий талабларни;

з) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

37. Малака талаблари:

а) педагогика ва дефектология йўналиши бўйича камида бакалавр даражасидаги олий маълумот ва фан йўналишига тўғри келувчи қайта тайёрлов курсини тугатганлиги ва дарс бериш ҳуқуқига эга эканлиги (касбий қайта тайёрлов);

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) уч йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажи.

**13-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) ўқитувчиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	2712
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2310
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

### 38. Лавозим вазифалари:

а) тегишли давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларига мувофиқ тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш;

б) ўқувчиларни ўзлаштирган билимларини амалиётда мустақил қўллай олишга тайёрлаш, таълим стандартларига мувофиқ ўқувчиларнинг ўқув материални ўзлаштиришларини холисона мунтазам баҳоланишини таъминлаш;

в) тегишли давлат таълим стандартларига мувофиқ дастур материалларини юқори даражада ўзлаштиришни таъминлаш, билимларни ўзлаштиришда нуқсонлари бўлган ўқувчилар билан гуруҳлар бўйича ва индивидуал иш олиб бориш;

г) қўшимча дарс машғулотлар ўтказиш, фан тўғралаклариди ишлаш, фанлар олимпиадаларига, турли танловларга ва фестивалларга ўқувчиларни тайёрлашни амалга ошириш, ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантириш, уларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни амалга ошириш;

д) ўқувчилар фойдаланадиган дарсликлар ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминланишни ва уларнинг сақланишини назорат қилиш;

е) ўқувчиларнинг давомат ва ўзлаштириш ҳисобини олиб бориш, уларнинг мактаб-интернат низоми талабларига риоя қилишларини таъминлаш;

ж) ўқувчилар ҳуқуқларига ва болаларни муҳофаза қилишга оид қонунчилик талабларига риоя қилиш;

з) жорий, оралик ва якуний тестлар (назорат сўрови), имтиҳонлар ўтказиш, ўқувчиларнинг ёзма ишлари ва дафтарларини текшириш;

и) ҳар бир дарс режаларини, дарс ўтказиш учун зарур бўлган дидактик тарқатма ва кўргазмали материалларни ишлаб чиқиш;

к) ўзига бириктирилган синф хоналари, кабинетлар, лабораториялардаги қурилмалар, техник воситаларнинг сақланишини ва улардан ўқув-методик мақсадларда самарали фойдаланишни таъминлаш, унга топширилган мулк, ўқув қурилмалари, инвентарь ва таълим техник воситаларини ўрнатилган тартибда ишга яроқли ҳолатда тутиш;

л) педагогик ахлоқ нормаларига риоя қилиш, ота-оналар билан ишлаш, уларнинг фарзандларини тарбиялаш ва ўқитиш масалалари бўйича индивидуал учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

м) коррекцион йўналишга мос равишда таълим тарбия жараёнини янги замонавий талаблар асосида ташкил қилиш;

н) ўқувчилар шахсини ривожлантириш, касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этишда иштирок этиш;

о) битирувчи синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига жалб қилиш;

п) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

р) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

### 39. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ўзи ўқитадиган ўқув фанининг илмий-назарий асослари, унинг мазмуни ва амалда қўлланилишини;

в) ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашнинг илғор шакллари ва интенсив усулларини;

г) дидактик тамойилларни, ўқитаётган фан бўйича дарс ўтиш методикаси ва уни ташкил қилиш тартибини;

д) ўқувчилар билимини баҳолашнинг замонавий, самарали шакллари, назорат усулларини;

е) ўқувчиларнинг фаоллиги ва ўзлаштиришини баҳолашнинг рейтинг тизимини;

ж) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб бориш усулларини;

з) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни мустақил ҳаётга тайёрлашнинг педагогик психологик усулларини;

и) дефектологиянинг анатомик-физиологик ва клиник асосларини;

к) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини.

40. Малака талаблари:

а) коррекцион педагогика, дефектология соҳаси бўйича камида бакалвр даражасидаги олий маълумот, шунингдек олий педагогик маълумот ва ихтисослаштирилган таълим муассасасининг фаолият соҳаси бўйича қайта тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлик;

б) кўришда нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасаларида кўзи ожиз ўқитувчилар она тили ва адабиёт, хорижий тиллар, тарих ва (географиядан ташқари) ижтимоий фанлардан, математика ва мусикадан таълим бериши мумкин;

в) заиф кўрувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда кўзи ожиз ўқитувчилар тарих ва (географиядан ташқари) ижтимоий фанлардан, мусикадан таълим бериши мумкин.

г) санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб-интернатлар) учун - ўз йўналиши бўйича камида бакалвр даражасидаги олий педагогик маълумот;

д) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши (кўзи ожиз ўқитувчилардан ташқари).

**14-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) психологи лавозимининг малакавий тавсифлари**

Тартиб рақами	2292
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2444
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

41. Лавозим вазибалари:

а) ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнида рухий, жисмоний (соматик) ва ижтимоий фаровонлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган касбий фаолиятни амалга ошириш;

б) таълим муассасаси ижтимоий соҳасини уйғунлаштиришга кўмаклашиш ва ижтимоий жиҳатдан кўника олмаслик ҳоллари юзага келишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

в) ўқувчилар (тарбияланувчилар) ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва турли кўринишдаги психологик ёрдам бериш бўйича тадбирларни амалга ошириш, ўқувчилар (тарбияланувчилар), ота-оналар ва педагогик жамоага муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериш;

г) турли йўналиш ва мақсадлардаги психологик диагностикани ўтказиш, руҳий, жисмоний ва ақл, қобилият, мойиллик, имконият каби сифатларни аниқлаш учун тестлар ўтказиш, тест натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

д) ўқитувчилар жамоаси ва ота-оналарга ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг шахс ва ижтимоий жиҳатдан ривожланиши муаммолари бўйича йўналиш бериш мақсадида ўрганиш натижаларига кўра психологик-педагогик хулоса тузиш;

е) ўқувчилар (тарбияланувчилар) шахсининг индивидуал ва ёши, жинсини ҳисобга олиб таълим фаолиятини ривожлантирувчи ва тузатувчи дастурларни режалаштириш ҳамда ишлаб чиқишда иштирок этиш;

ж) иқтидорли ўқувчилар (тарбияланувчилар)ни психологик жиҳатдан кўллаб-қувватлаш, уларнинг ривожланиши ва изланишларига кўмаклашиш;

з) ўқувчилар (тарбияланувчилар)нинг ривожланишидаги нуқсонларни аниқлаш ва уларни психологик-педагогик жиҳатдан тузатишни амалга ошириш;

и) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

42. Билиши лозим:

а) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги конунини, умумий ўрта таълим соҳасидаги, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитга таъсир кўрсатувчи омилларни;

в) умумий ва ижтимоий психология, ёш психологияси, тиббий психология, мактаб-интернатгача ва мактаб-интернат ёшидаги болалар психологияси хусусиятларини;

г) болалар нейропсихологиясини, психодиагностика ютуқларини, индивидуал фарк психологиясини;

д) дефектология асосларини, психотерапия, психогигиена, касбга йўналтириш ва меҳнат психологиясини;

е) ташхислаш методологияси ва методикасини, психопатология, индивидуал ва гуруҳлар бўйича касбга маслаҳат беришнинг замонавий методларини;

ж) боланинг меъерий ва нотўғри ривожланишини ташхислашни, хулқ этикаси ва маданиятини;

з) ўқувчиларнинг (тарбияланувчилар) меҳнат муҳофазаси, соғлиғини сақлашни;

и) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини.

43. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги психологик ёки олий педагогик маълумот ва психология йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсини тугатганлик;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.

**15-§. Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар) педагог тарбиячиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	153 <sup>1</sup>
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	3320
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

44. Лавозим вазифалари:

а) тарбияланувчиларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятини режалаштириш ва ташкиллаштириш;

б) тарбияланувчиларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси, ижтимоий ва меҳнат адаптацияси учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш;

в) тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви, жамиятга интеграцияси ва мустақил ҳаётга тайёрлаш, болалар реабилитацияси ва коррекцияси соҳасида самарали иш методлари, шакллари ва воситаларини қўллаш;

г) коррекцион йўналишга мос равишда таълим тарбия жараёнини янги замонавий талаблар асосида ташкил қилиш;

д) мактаб-интернатда ижтимоий-психологик ва педагогик кузатув хизмати тавсиялари асосида, индивидуал ёки гуруҳ билан хулқ-атворнинг меъёрдан чиқиши, салбий одатлар профилактикаси юзасидан коррекцион-ривожлантирувчи ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

е) таълим-тарбия жараёни шахсни ватанпарварлик руҳида, миллий анъана ва кадриятлар, буюк аждодларимиз ибратли ҳаёти намуналари асосида ташкил этиш;

ж) директор ўринбосари билан бирга тарбияланувчиларнинг давомати, ўқув фанларининг ўзлаштириш мониторингини олиб бориш, мактаб-интернат билан мустақам алоқа ўрнатиш, тарбияланувчиларнинг кундалик уй вазифасини бажарилишини назорат қилиш ва кўмаклашиш.

з) тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳимояланишини таъминлаш;

и) тарбияланувчилар томонидан шахсий гигиена талабларига риоя қилиниши, кийиниши, ташқи кўринишининг озодалиги, ўқув жиҳозлари ва хўжалик буюмларини сақланиши таъминлаш;

к) тарбияланувчиларнинг жисмоний ва психологик ривожланишига кўмаклашувчи тадбирларни амалга ошириш;

л) тарбияланувчилар бўш вақтини самарали ўтказишига кўмаклашиш, қўшимча таълим олишига ёрдам бериш;

м) тарбияланувчилар ёшига мос равишда ва шифокор тавсияларига кўра ўз-ўзига хизмат қилишни, меҳнат муҳофазаси, меҳнат хавфсизлигига риоя этилишини таъминлаш, ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этиш;

н) мактаб-интернат ижтимоий-психологик ва педагогик кузатуви хизмати билан ҳамкорликда тарбияланувчиларни бирор бир касбга қизиқишларини шакллантириш, уларни онгли равишда касб танлашига ёрдам бериш, таълимни давом эттиришларига кўмаклашиш, болаларни оилага қайтариш ёки оилавий васийлик масаласида иш олиб бориш;

о) тарбияланувчиларнинг алоҳида хусусиятлари, қизиқишлари ва мойилликларини, оилавий шароитларини ўрганиш;

п) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

р) касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидаларига амал қилиш.

#### 45. Билиши лозим:

а) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини, умумий ўрта таълим соҳасидаги, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ёшга оид умумий, ижтимоий, махсус педагогикани, педагогик, ижтимоий ва болалар психологиясини;

в) ёш физиологияси ва ижтимоий гигиенани, биринчи тиббий ёрдам асосларини, тарбиявий ва ижтимоий ишининг назарияси ҳамда методикасини;

г) ижтимоий-педагогик ва диагностик методикаларини, педагогик фан ва амалиёт соҳасида, бошқарув психологияси соҳасида мамлакатимизда эришилган ютуқларини;

д) болаларни ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаларини;

е) тегишли давлат таълим стандарти талаблари ва мазмунини, жамоа бошқарувининг самарали методларини, илғор педагогик технология ва уларни жорий этишни;

ж) жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар билан дифференциал ва индивидуал тарзда коррекцион педагогик ишлар олиб боришнинг усулларини;

з) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини.

46. Малака талаблари:

а) олий маълумотли дефектолог (олигофренопедагог, сурдопедагог, тифлопедагог) ёки камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот ва тегишли қайта тайёрлашдан ўтганлик;

б) санаторий туридаги ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари (мактаб-интернатлар) учун камида ўрта махсус педагогик маълумот.

#### **4-боб. Меҳрибонлик уйи ва болалар шаҳарчаси ходимларининг малака тавсифлари**

##### **16-§. Меҳрибонлик уйи, болалар шаҳарчаси директори лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	589
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

47. Лавозим вазифалари:

а) меҳрибонлик уйининг умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

б) меҳрибонлик уйининг йиллик, чорақлик ва ойлик иш режаларини, таълим-тарбиявий, ижтимоий-педагогик ва даволаш дастурларини тасдиқлаш ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

в) тарбияланувчилар олаётган билим сифатини давлат таълим стандартларига мос келишини, тарбиявий ишлар натижасини, тарбияланувчилар билан олиб борилган ишларни мунтазам равишда назоратини амалга ошириш;

г) меҳрибонлик уйининг педагог ва тиббиёт ходимларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг вазифалари, лавозим мажбуриятларини белгилаш ҳамда улар орасидаги энг фаолларини рағбатлантириш ва ўз ваколати доирасида интизомий жазо қўллаш масалаларини кўриб чиқиш;

д) таълим-тарбия жараёнига нисбатан самарали педагогик ва ижтимоий технологияларнинг қўлланишига раҳбарлик қилиш;

е) меҳрибонлик уйи молиявий-хўжалик фаолиятини тартибга солиш, ажратилган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан ҳамда бошқа ҳомийликдан тушган маблағлардан самарали фойдаланиш;

ж) тарбияланувчиларни меҳрибонлик уйига қабул қилиш ва зарурат бўлганда бошқа муассасага ўтказишни, иш юритишни, битирувчиларга таълим тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатлар тўпламини беришни ташкил қилиш;

з) тарбияланувчиларни сифатли кийим-бош, озиқ-овқат, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишларини ташкил этиш;

и) мактаб, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини, жамоат ташкилотлари ва ҳомийликка олувчи ташкилотлар билан таълим-тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни ташкил қилиш;

к) тарбияланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, васий ёки ҳомий сифатида мажбуриятларини бажариш;

л) тарбияланувчиларнинг тарбияланиши, ўсиши, қўллаб-қувватланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш;

м) тарбияланувчиларнинг тўлақонли психологик реабилитацияси, жамиятда ижтимоий адаптацияси ва интеграциясига кўмаклашувчи, уй шароитига яқин бўлган шарт-шароитни яратиш, сифатли таълим ва тарбия олишини, ижодий ва ақлий қобилиятларининг ўсишини, ҳаёт ва саломатлигини муҳофаза қилинишини, психологик ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

н) тарбияланувчиларни энг яхши миллий анъаналар, урф-одатлар бўйича тарбиялашга, уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий сифатларни, ватанига ва халқига содиқ фуқарони шакллантиришга раҳбарлик қилиш;

о) педагогик ва тиббиёт ходимларининг меҳнат қилиши ва малакасини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни аттестациясини ташкил қилиш ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

п) корхона, муассаса, ташкилотлар, турли хорижий фирмалар билан шартномалар тузиш, ишончномалар бериш, турли йўналишлардаги давлат ва нодавлат жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш;

р) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш;

с) тарбияланувчиларни ичимлик суви билан таъминлаш ва болалар учун қўйилган санитария-гигиена талабларига риоя қилиш.

48. Билиши лозим:

а) амалдаги умумий ўрта таълим соҳасидаги, болалар ҳуқуқларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) меҳрибонлик уйи фаолияти ва уни ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан хўжалик шартномалар тузиш тартибини;

в) жамоани бошқаришнинг самарали усулларини, таълим ва тарбия сифати, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;

г) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усуллари, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

д) педагогика, психология, ижтимоий педагогика, болалар физиологиясини;

е) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

ж) меҳрибонлик уйи педагог ва тиббиёт ходимлари фаолиятини таҳлил қила олишни, муаммоларни аниқлаши ва уларни ҳал қилишнинг самарали йўлларини;

з) меҳрибонлик уйини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия муассасасини бошқарув таркибини тузишни;

и) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни.

49. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

г) камида беш йиллик педагогик иш стажи.

**17-§. Меҳрибонлик уйи, болалар шаҳарчаси директорининг ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича ўринбосари лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	915 <sup>1</sup>
---------------	------------------

Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1319
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

#### 50. Лавозим вазифалари:

а) тарбияланувчилар, педагог-тарбиячилар, ота-оналарга ижтимоий психологик педагогик ёрдам ва кузатувни олиб бориш, тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳимояланишига раҳбарлик қилиш;

б) меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳимояси бўйича йиллик, чорақлик истиқболли режаларини тузиш, ижтимоий-педагогик фаолиятининг мақсад, вазифа ва методларини белгилаш, ижтимоий-педагогик, психологик кузатуви хизматини бошқариш;

в) тарбияланувчилар билан диагностик, психология профилактика, коррекцион, консултатив ва реабилитация ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг ҳар бири учун педагог тарбиячи, психолог, шифокор ва бошқа мутахассислар билан биргаликда боланинг ҳимоя дастурини ишлаб чиқиш;

г) меҳрибонлик уйида қулай психологик муҳит яратилишини, маънавий соғлом ва инсонпарварлик муносабатларининг ўрнатилишини, тарбияланувчиларнинг ҳавфсизлиги ва саломатлик муҳофазасини таъминлаш;

д) тарбияланувчиларнинг шахсий ҳамда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, васий сифатида барча ташкилотларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

е) педагогик жамоа ишларига ижтимоий, психологик йўналиш бўйича методик раҳбарлик қилиш, меҳрибонлик уйи ходимлари, тарбияланувчилари билан психологик-профилактик, консултатив, таълимий (семинар, тренинг) фаолиятни олиб бориш;

ж) тарбияланувчиларнинг ота-оналари ва фарзандликка олувчи шахслар билан олиб бориладиган консултатив ҳамда реабилитация ишларга раҳбарлик қилиш;

з) васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим муассасалари, тарбияланувчиларнинг ота-оналари, ижтимоий муҳофаза қилиш мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

и) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

#### 51. Билиши лозим:

а) амалдаги болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва умумий ўрта таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ёшга оид умумий, ижтимоий, махсус педагогикани, педагогик, ижтимоий ва болалар психологиясини, ёш физиологияси ва ижтимоий гигиенани;

в) биринчи тиббий ёрдам асослари, тарбиявий ва ижтимоий ишининг назарияси ва методикасини, ижтимоий-педагогик ва диагностик методикаларини;

г) педагогик фан ва амалиёт ҳамда бошқарув психологияси соҳасида мамлакатимизда халқаро тажрибаларда эришилган ютуқларни, болаларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усулларини;

д) халқимизнинг тарихини, муассаса фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини, давлат таълим стандартлари талаблари мазмунини;

е) жамоа бошқарувининг самарали усулларини, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизим ва методларни;

ж) илғор педагогик, ижтимоий технология ва уларни жорий этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш методларини, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

з) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;

и) педагог ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал қилиш йўлларини;

к) тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказиш бўйича ижтимоий-психологик ва педагогик дастурларни ишлаб чиқишни;

л) меҳрибонлик уйида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолият мониторингини олиб бориш, педагогик жамоада ижобий психологик муҳитни яратишни.

52. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик ёки ижтимоий иш йўналиши бўйича олий маълумот;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;

в) камида уч йиллик педагогик ёки ижтимоий иш стажини.

**18-§. Меҳрибонлик уйи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, болалар шаҳарчаси директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	913
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	1210
Ходимлар тоифаси	Бошқарув

53. Лавозим вазифалари:

а) маънавий-ахлоқий тарбиявий ишларни ташкил қилиш, тарбиявий ишларнинг йиллик ва ойлик режаларини ишлаб чиқиш, гуруҳ тарбиячилари амалга оширадиган тарбиявий ишлар режаларининг бажарилишини назорат қилиш;

б) таълим-тарбиявий дастур ва режаларнинг тарбиячи-педагог ва бошқа педагог ходимлар томонидан амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

в) таълим-тарбия жараёни сифатини, тарбияланувчиларнинг мустақил дарс тайёрлаш натижаларининг ҳолисона баҳолалишини доимий равишда системали назорат қилиш, ривожлантирувчи машғулотлар ва бошқа таълим-тарбия иш турлари соҳасида тарбиячиларга маслаҳатлар бериш, шу соҳада амалга оширилган ишларнинг шакли ва мазмунини назорат қилиш;

г) меҳрибонлик уйи, болалар шаҳарчасида ўқувчиларнинг давомати, ҳулки, тарбиявий тадбирларнинг сифати ва самарадорлигини, тўғараклар, клуб ва спорт секцияларининг фаолият юритишини таъминлаш;

д) миллий анъаналар, тарихий қадриятлар ва буюк аждодлар мероси асосида тарбияланувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини ташкил этиш ва назорат қилиш, экскурсия ва маданий тадбирларни амалга ошириш;

е) тарбиячилар билан бирга тарбияланувчиларнинг ўқув фанлар ўзлаштириши, дарслар давоматини мониторинг қилиш, мактаблар билан ҳамкорлик қилиш;

ж) тарбияланувчиларнинг кун тартибини ташкил этиш, меҳрибонлик уйи битирувчилари ва улар таълим олаётган таълим муассасаси билан ҳамкорлик қилиш;

з) педагог ходимларнинг ишини, илғор педагогик технологияларни мониторингини олиб бориш ҳамда тажриба алмашиш бўйича ишларни ташкил этиш, зарур таълим-тарбиявий ва ижтимоий-психологик методикалар ишлаб чиқирилишини мувофиқлаштириш, кутубхона фаолиятини назорат қилиш;

и) педагог ходимларга инновацион дастур ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш соҳасида ёрдам кўрсатиш;

к) педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйилишида иштирок этиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш;

л) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

54. Билиши лозим:

- а) амалдаги болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва умумий ўрта таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;
- б) педагогик фанлари ва амалиётини, бошқариш психологияси ютуқларини, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш методикаларини;
- в) давлат таълим стандартлари талаблари ва унинг мазмунини, илғор педагогик технологиялар ва уларни татбиқ этиш методларини;
- г) жамоани бошқаришнинг самарали усуллари, ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш тизимлари ва методларини;
- д) кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш усулларини, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;
- е) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини;
- ж) меҳрибонлик уйи фаолиятини замонавий технологиялар асосида мониторинг қилиш, ўқув жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллашни;
- з) педагогик жамоада қулай психологик муҳит яратишни.

55. Малака талаблари:

- а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот;
- б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши;
- в) камида уч йиллик педагогик иш стажи;

#### **19-§. Меҳрибонлик уйи, болалар шаҳарчаси педагог тарбиячиси лавозимининг малака тавсифлари**

Тартиб рақами	156
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2349
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

56. Лавозим вазифалари:

- а) тарбияланувчиларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятини режалаштириш;
- б) тарбияланувчиларнинг ижтимоий-психологик реабилитацияси, ижтимоий ва меҳнат адаптацияси учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлаш;
- в) тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви, жамиятга интеграцияси ва мустақил ҳаётга тайёрлаш, девиантли (меъёрдан чиқиб кетган хулқ-атворли) болалар реабилитацияси соҳасида самарали иш методлари, шакллари ва воситаларини қўллаш;
- г) меҳрибонлик уйида ижтимоий-психологик ва педагогик кузатув хизмати тавсиялари асосида, алоҳида ёки гуруҳ билан хулқ-атворнинг меъёрдан чиқиши, салбий одатлар профилактикаси юзасидан коррекцион-ривожлантирувчи ва тарбиявий ишларни олиб бориш;
- д) таълим-тарбия жараёни маънавий-маърифий ишларини баркамол, юксак маънавиятли, жисмонан бақувват, ташаббускор, ижодий фикрловчи, эркин, мустақил шахсни ватанпарварлик руҳида, миллий анъана ва қадриятлар, буюк аждодларимиз ибратли ҳаёти намуналари асосида ташкил этиш;
- е) директор ўринбосари билан бирга тарбияланувчиларнинг давомати, ўқув фанларининг ўзлаштириш мониторингини олиб бориш, мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, тарбияланувчиларнинг кундалик уй вазифасини бажарилишини назорат қилиш ва кўмаклашиш, умумтаълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ота-онасининг ўрнини босувчи шахс сифатида ота-оналар мажлисида қатнашиш;
- ж) тиббиёт ходимлари билан ҳамкорликда тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва саломатлиги ҳимояланиши ва мустаҳкамланишини таъминлаш;

з) тарбияланувчилар томонидан шахсий гигиена талабларига риоя қилиниши, кийиниши, ташқи кўринишининг озодалиги, ўқув жиҳозлари ва хўжалик буюмларининг сақланишини таъминлаш;

и) тарбияланувчиларнинг жисмоний ва психологик ривожланишига кўмаклашувчи тадбирларни амалга ошириш;

к) тарбияланувчилар бўш вақтини самарали ўтказишига кўмаклашиш, қўшимча таълим олишига, бадиий фаолиятига, техника ижодига, спорт секцияларига, тўғаракларга ҳамда болалар қизиқишларига мувофиқ, бошқа уюшмаларга жалб этган ҳолда ёрдам бериш;

л) тарбияланувчилар ёшига мос равишда ва шифокор тавсияларига кўра ўз-ўзига хизмат қилишни, меҳнат муҳофазаси, меҳнат ҳавфсизлигига риоя этилишини таъминлаш;

м) меҳрибонлик уйи ижтимоий-психологик ва педагогик кузатуви хизмати билан ҳамкорликда тарбияланувчиларни бирор бир касбга қизиқишларини шакллантириш, уларни ривожлантириш ишларини амалга ошириш ва онгли равишда касб танлашига ёрдам бериш, таълимни давом эттиришларига кўмаклашиш, болаларни оилага қайтариш ёки оилавий васийлик масаласида иш олиб бориш;

н) тарбияланувчиларнинг алоҳида хусусиятлари, қизиқишлари ва мойилликларини, оилавий шароитларини ўрганиш, ота-оналар ва тарбияланувчиларга яқин бўлган шахслар билан алоқа ўрнатиш;

о) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

57. Билиши лозим:

а) амалдаги болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва умумий ўрта таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ёшга оид умумий, ижтимоий, махсус педагогикани, педагогик, ижтимоий ва болалар психологиясини;

в) ёш физиологияси ва ижтимоий гигиенани, биринчи тиббий ёрдам асосларини;

г) ижтимоий-педагогик ва диагностик методикаларини, педагогик фан ва амалиёт соҳасида, бошқарув психологияси соҳасида мамлакатимизда эришилган ютуқларни;

д) болаларни ватанпарварлик руҳида, маънавий-ахлоқий тарбиялаш методикаларини;

е) давлат таълим стандарти талаблари ва мазмунини, жамоани бошқаришнинг самарали методларини, илғор педагогик технология ва уларни жорий этишни;

ж) санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

58. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги олий педагогик маълумот.

## 20-§. Меҳрибонлик уйи психологи лавозимининг малака тавсифлари

Тартиб рақами	2292
Машғулотларнинг миллий стандарт классификатори бўйича коди	2444
Ходимлар тоифаси	Мутахассис

59. Лавозим вазифалари:

а) тарбияланувчилар, педагог-тарбиячилар, ота-оналарга ижтимоий психологик педагогик ёрдам ва кузатувни олиб бориш, тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳимояланишига раҳбарлик қилиш;

б) меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳимояси бўйича йиллик, чорақлик истиқболли режаларини тузиш, ижтимоий-педагогик фаолиятининг мақсад,

вазифа ва методларини белгилаш, ижтимоий-педагогик, психологик кузатуви хизматини бошқариш;

в) тарбияланувчилар билан диагностик, психология профилактика, коррекцион, консультатив ва реабилитация ишларини олиб бориш ҳамда уларнинг ҳар бири учун педагог тарбиячи, психолог, шифокор ва бошқа мутахассислар билан биргаликда боланинг ҳимоя дастурини ишлаб чиқиш;

г) меҳрибонлик уйида қулай психологик муҳит яратилишини, маънавий соғлом ва инсонпарварлик муносабатларининг урнатилишини, тарбияланувчиларнинг ҳавфсизлиги ва саломатлик муҳофазасини таъминлаш;

д) тарбияланувчиларнинг шахсий ҳамда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, ижтимоий жиҳатдан қуллаб-қувватлаш, васий сифатида барча ташкилотларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

е) педагогик жамоа ишларига ижтимоий, психологик йуналиш бўйича методик раҳбарлик қилиш, меҳрибонлик уйи ходимлари, тарбияланувчилари билан психологик-профилактик, консультатив, таълимий (семинар, тренинг) фаолиятни олиб бориш;

ж) тарбияланувчиларнинг ота-оналари ва фарзандликка олувчи шахслар билан олиб бориладиган консультатив ҳамда реабилитация ишларга раҳбарлик қилиш;

з) васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим муассасалари, тарбияланувчиларнинг ота- оналари, ижтимоий муҳофаза қилиш мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

и) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабларига риоя қилиш.

60. Билиши лозим:

а) амалдаги болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилишга ва умумий урта таълим соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни;

б) ёшга оид умумий, ижтимоий, махсус педагогикани, педагогик, ижтимоий ва болалар психологиясини, ёш физиологияси ва ижтимоий гигиенани;

в) биринчи тиббий ёрдам асослари, тарбиявий ва ижтимоий ишининг назарияси ва методикасини, ижтимоий-педагогик ва диагностик методикаларини;

г) педагогик фан ва амалиёт ҳамда бошқарув психологияси соҳасида мамлакатимизда халқаро тажрибаларда эришилган ютуқларни, болаларни маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш усулларини;

д) халқимизнинг тарихини, муассаса фаолияти ва уни ривожлантиришнинг педагогик ва иқтисодий асосларини, давлат таълим стандартлари талаблари мазмунини;

е) жамоа бошқарувининг самарали усулларини, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тизим ва методларини;

ж) илғор педагогик, ижтимоий технология ва уларни жорий этиш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қуйиш методларини, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартибини;

з) педагог ходимлар фаолиятини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал қилиш йулларини;

и) тадбирлар, семинар-тренинглар ўтказиш бўйича ижтимоий-психологик ва педагогик дастурларни ишлаб чиқишни;

к) меҳрибонлик уйида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги фаолият мониторингини олиб бориш, педагогик жамоада ижобий психологик муҳитни яратишни;

л) касбий одоб-ахлоқ қоидалари, санитария-гигиена талаблари, меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини.

61. Малака талаблари:

а) камида бакалавр даражасидаги психологик ёки олий педагогик маълумот ва психология йўналиши бўйича қайта тайёрлов курсини тугатганлик;

б) хорижий тиллардан бирининг бошланғич босқичини ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни билиши.